

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОҒОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ҒАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Ғ. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАҒДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҒАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Ғ.

Мусаҳҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-80
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Умурзақова	
Туркистонда ягона қишлоқ хўжалиги солиғининг жорий этилиши: муаммолар ва ечим	167
Ҳ.Жўраев, Х.Мадазимов	
Образли ибтидоий тасаввурлардаги муштарак жиҳатлар	170
М.Юсупова	
Ўзбек шеърлятида Навоий образи	172
Ю.Каримова	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор аънаналари	175
М.Омонова	
Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” тарихий романида аънавий мотив ва тимсолларнинг ўрни	179
Ҳ.Раҳматжонова	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси	182
Ш.Каримова	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчиси	184
С.Олимжонов	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида)	187
Д.Юлдашева	
Болалар шеърий матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши	191
Н.Умарова	
Навоий қўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони	194
И.Ҳабибжонов	
Форс-тожик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари	197
А.Зинатуллина	
Ўзбек ва француз тилларидаги мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари	200
Н.Сабирова	
Социоллингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари	203
Д.Газиёва, М.Қўшматова	
Ибораунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида	208
И.Деҳқонов	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий таҳлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси	212
Д.Махаметова	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар	215
Х.Марипова	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши	219
Г.Сайдалиева	
Тилшуносликда абсолют синонимларнинг ўрни	222
С.Юлдашев	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари	226
Ж.Оришев	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари	228
Ш.Арипов	
Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва оналар ҳамкорлиги	232
Н.Хошимова	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар	236
А.Мухиддинов	
Тилнинг семантик майдонини когнитив тилшунослик доирасида талқин этилиши	239
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
ИЛМГА БАХШИДА УМР	243

УДК: 8-14+004+8(091)

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА НАВОИЙ ОБРАЗИ

ОБРАЗ НАВОИ В УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ

THE IMAGE OF NAVOI IN UZBEK POETRY

Юсупова Мадинахон Эгамберди қизи¹

¹ Юсупова Мадинахон Эгамберди қизи – Фарғона давлат университети адабиётшунослик кафедраси таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада Навоий образи яратилган шеърлар таҳлилга тортилиб, образнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Эркин Воҳидовнинг “Алишер Навоий кемаси” шеъри ҳамда Абдулла Шернинг “Навоий соғинчи” туркум шеърлари орқали Навоий образининг лирик талқини тадқиқ этилади

Аннотация

В статье анализируются стихотворения, создавшие образ Навои, раскрываются особенности этого образа. Лирическая интерпретация образа Навои исследуется с помощью стихотворения Эркина Вахидова «Корабль Алишера Навои» и стихотворения Абдуллы Шера «Пропавший ряд Навои».

Annotation

The article analyzes the poems that created the image of Navoi and reveals the peculiarities of the image. The lyrical interpretation of Navoi's image is studied through Erkin Vohidov's poem "Alisher Navoi's ship" and Abdulla Sher's poem "Missing Navoi".

Таянч сўз ва иборалар: образ, Навоий образи, лирик қаҳрамон, тарихий шахс, ижодкор шахс, талмех.

Ключевые слова и выражение: образ, образ Навои, лирический герой, историческая личность, креативная личность, талмех.

Key words and expressions: image, image of Navoi, lyrical hero, historical figure, creative person, talmeh.

Бугунги замонавий ўзбек шеърлятида тарихий шахслар, хусусан, Навоий образини поэтик талқин қилишнинг турли бадиий усуллари юзага келди. Бадиий ифода йўсинидаги бу хилма-хиллик, энг аввало, шеърлятимиздаги янги авлод шоирлари ижодида кўзга ташланади. Ушбу қатлам вакиллари Навоий образини яратишда поэтик ифоданинг янги кўринишларидан унумли фойдаланди, бадиият оламини янги-янги поэтик ифода, тасвир усуллари билан бойитди.

Навоий яшаган давр билан бугунги давр ўртасида салкам олти юз йиллик тарих мавжуд. Мана шу тарихни, тарихий шахснинг қиёфаси, руҳий дунёсини теран ёритиб беришда ёзувчи ва шоирларнинг поэтик маҳорати катта рол ўйнайди. Абдулла Ориповнинг “Алишер”, Шавкат Раҳмоннинг “Шоирлар хиёбонида”, Хуршид Давроннинг “Алишер Навоий”, Шукур Қурбоннинг “Навоийни англаш”, Азим Суюннинг “Февраль”, Абдулла Шернинг “Навоийни соғиниб...”, Азиз Саиднинг “Карвон тортиб Навоийга келиб қолдик”, Неъматилло Иброҳимнинг “Навоийдан кейин...”, Асқар Маҳкамнинг “Алишер Навоийнинг сўнги кунлари”, Зебо Мирзонинг “Ойбек.”Навоий”ни ўқиб”, Нодир Жонузоқнинг “Навоий” каби шеърлари Навоий образини лирик талқинида муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан Навоий образининг бадиий талқинига оид шоир Эркин Воҳидов ўринли

таъкидлаганидек, “Навоий шундай улкан чўққиқи, ундан узоқлашганинг сари маҳобати кўпроқ намоён бўлади. Биз бу чўққиқа зинҳор ортимизда қолган даражада деб эмас, доимо олдинда турган, биз доимо интилиб яшайдиган юксаклик деб қараймиз”[1,46] деган сўзларига мувофиқ, эстетик идеал нуқтаи назардан ҳаққонийлик тамойили асосида ёндашмоқ зарур.

Шоир Эркин Воҳидовнинг “Алишер Навоий кемаси” номли шеърда азалдан чақнаб турган муштарий юлдузи - Навоий бугун ҳам “Баҳри муҳит аро кезиб” юрганлиги таъкидланади. Бу талқин Навоийнинг асарларида илгари сурилган ғоялар билан уйғун: “кимки сўз санъатини яхши эгаллаган бўлса, яъни “сўз баҳрида ғаввос” бўлса, ўша одам бадиий ижод соҳасида бирон ютуққа эга бўлади”. Навоий эришган ютуқ ундан кейингилар ва ҳозирги адабий мерос авлодлари ютуғига ҳам асос бўлмоқда:

Азалий даврада чарх уради ер,
Муштарий азалдек чақнаб турипти...
Беш аср сўнгида буюк Алишер
Баҳри муҳит аро кезиб юрипти.

Навоий тимсолининг бутун “бўй-бастини” кўрсатиб бераётган, дунё узра танҳо “беором юрак”, “аччиқ тўлқинларга” урилаётган “кўкрак” “аср сўнгида кема бўлган” бу буюк “руҳ” Нуҳ кемаси инсонларни қутқариб қолгани мисол, адабиётнинг дўлвор “кема”си вазифасини

ўтаётир, бевосита бу буюк “кема”ни “навоийшунослик” деб аташ ҳам мумкин, бу “кема”га муносиб авлод ёрқин келажак манзилларини кўзлаган:

Тирикликда чархдан топмаган омон,
Бошига ғам гардин ёғдирган фалак—
Даҳр аро танҳою зор-у саргардон
Қалқиб бормоқдадур беором юрак.
Улуғвор бастада ўйчан бир шукуҳ,
Килкидан тўкилган ғазалдек боқий,
Беш аср сўнгиди кема бўлган руҳ,
Беш қитъа оралаб кезар Навоий...[2,79].

“Навоийни меҳр ва ихлос ила етарли даражада билиш – дин-у диёнат, имон-у эътиқод, мурувват ва шафқат кучига ишонч демак”дир[3,7]. Мана шу “куч”га “ишонч” нафақат, Навоий образи яратилган эпик асарлардан, балки лирик асарларда акс этган образ орқали ҳам юзага келади.

Абдулла Шернинг “Навоийни соғиниб...” номли туркум шеърлари буюк даҳога бўлган чексиз муҳаббат ва улкан ихлос натижасида юзага келган:

Мен Навоий дарвозасини
Танидим-у, «сим-сим»ни айтдим:
Гўзалликнинг андозасини
Чизиб олди ўшанда байтим

Лирик кечинманинг гўзал намунаси бўлган ушбу мисраларда, Навоий ижоди-улкан хазина, унинг “дарвоза”сини очиш учун “сим-сим”ни айтмоқ керак. Бу эса, аввало, теран хотира, мукамал билим талаб этадиган жараён дур. “Сим-сим”- бу сеҳрли сўзни ишлата олиш учун ўша хазинанинг моҳиятини билмоқ, унга талпинмоқ зарур. Буни англаган шоир “Навоий дарвозасини” бир зумда танийди, сеҳрли сўзни айтади-да, “гўзаллик андозасини” байтларида акс эттиради.

Шоир кейинги мисраларда Навоийнинг улкан меросига ишора қилиш орқали унинг сийратига яқинлашиб боради:

Ашрақатдан бошланган девон
Ўхшаб кетар чексиз оламга.
Ундаги ер, ундаги осмон
Суянади буюк қаламга.

“Ашрақат”дан... деб бошланган ушбу парчада Навоийнинг “Хазойин-ул маоний” девони дебчасида келтирилган ғазал назарда тутилган: “Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо,...” мазкур ғазал маъноларини тўғри тушунган одам Навоий девонларидаги бошқа ғазалларни ҳам англаб етишга калит топади ва шоир идеаллари оламига кириб боради. Ғазалда оламнинг илоҳий моҳияти ва буни англаган инсон завқ-у шавқи, қалб сурури ифодаланган. Қуёш нури кўринишида беқиёс неъмат бўлиб, ҳар саҳар порлаши... аён ҳақиқат. Буни англаган ориф, вали зотлар ҳам

қалблари порлаб, шу маърифат нуруни бошқа талабгорларга етказдилар. Ҳолбуки, инсоннинг олий мақсади – ўз аслиятини идрок этиш ва унга қайтишдир. Мана шундай моҳиятни ўзида мужассам этган ғазалга ишора қилиш орқали шоир Навоийнинг ўзи ҳам “чексиз олам” эканлигини, ул оламнинг “осмон”и ва “ер”и “ижод” эканлигини лирик қаҳрамоннинг ички эътиқоди ўлароқ акс эттиради. Бундаги “буюк қалам” эса бугунги кун адабиёти вакиллари учун мумтоз меросдир.

“Навоий соғинчи...”нинг лирик қаҳрамони қуйидаги мисралар орқали “буюк қалам”нинг сирли мўжизаларини шарҳлаб боради:

Навоийнинг асарларидан
Бўй сочади илоҳий, чўнг гул...
Унда қушлар одамлар каби
Сўзлайдилар ўзни унутиб,
Ва қушлардек, одамлар лаби
Куйлай бошлар сўзни унутиб.

Ушбу мисраларда лирик қаҳрамоннинг ўй-фикрлари турли поэтик образлар воситасида ёрқин акс этади. Ҳар бир образ лирик қаҳрамон кечинмаларининг изҳори учун хизмат қилади. “Кўпинча шоир қалбидаги орзу-истаклар билан реал ҳаёт воқелиги орасидаги зиддият ёхуд уйғунлик ҳам турли мазмундаги кечинма-ҳислар ифодаланган шеърлар туғилишига сабаб бўлиши мумкин”, шунинг учун шоир Абдулла Шер Навоийга ва унинг ижодига бўлган эътиқоди туфайли маънавий устоз деб билган улуғ мутафаккирнинг лирик образини жозибали мисраларда қайта яратди. Ўхшатиш санъати кўзга ташланган ушбу мисраларда Навоийнинг асарларида илоҳий гул бўй сочаётганидан, “одамлар” каби сўзлайдиган “қушлар”, “қушлар” каби “қуйлайди”ган “одамлар лаби” ўзни унутгандек, сўзни ҳам унутадилар.

Шоирнинг қуйидаги мисрасида ташхис, талмеҳ шеърини санъатлари мавжуд. “Фалакнинг тасбеҳи” “мисра”га ўхшатилиши ташхис, шеърда тарихий шахсларни қўллаш билан талмеҳ шеърини санъати юзага келган, масалан, “Ҳадичабегим”.

Унда фалак ўз тасбеҳини
Мисра қилиб ўгиради жим:
Ғазалдаги хушбўй беҳини
Ислаб яшар Ҳадичабегим.

Шоир Навоийни ўзига хослигини, у ҳамиша ўзликни англаш муҳимлигини айтиб, ўз эътиқодида собит турувчи шахс бўлганлигини сўнгги мисраларда янада яққолроқ ифода этади:

Ашрақатни кўрасан унда,
Илоҳий нур очар кўзингни:
Англайсанки, дунёи дунда
Танимабсан ҳали ўзингни[4,36].

Бу ўринда “Ашрақат” билан бошланувчи ғазалга такрор мурожаат қилинмоқда. “Такрор” ўзбек шеърлятида энг кўп қўлланиладиган ифода-тасвир воситаларидан биридир. Унинг вазифаси, асосан, маънони кучайтириш, интенсивлик ва эмоционалликни таъминлашдан иборат. Шоир мана шу такрор орқали ўзининг ғоявий ниятини англатмоқчи бўлади. Биламизки, “Ашрақат...” матлаъси билан бошланувчи ғазалнинг илк мисрасида “Эрталаб чиққан кўёш қосасининг аксидан ҳидоят нурлари порлаб кўриниши” акс эттирилган. Бундан кўринадики, лирик қаҳрамон Навоийнинг ҳам юзидан, ҳам ижодий мисраларидан таралиб турадиган “илоҳий нур”га, “ҳидоят нурлар”ига ишорат қилади ва бу нурга боққан кўнгил “кўз”лари очилиб инсон ўз аслиятини ҳали тўлиқ танимаганлигини англашини айтади. Бу талқин орқали шоир Абдулла Шер бу мисраларни ижод этгунга қадар Навоийнинг илмий меросини мукаммал ўрганганлиги, унинг шоҳ байтларига мухлис бўлиб қолганлигини англаш қийин эмас. Айниқса, “Навоий ҳақида баллада”сида “Навоий мен билан юрибди бирга”, “Мен Навоий озод қилган кул”, “Жисмим гулхан, қаламим чўғдир, Ўзим – хато, сўзим – бехато. Шоирликда армоним йўқдир: Ашрақатга қилдим иқтидо” мисралари муаллифнинг ғоявий мақсадга эришганини англатади. Юқоридаги мисраларда шоир ижодкор шахс “мен”и шаклланишида Навоийни ўрни катта. Навоийни ўқир экан, уни ўзи билан юргандек ҳис қилади, унга маънан яқинлаша бошлайди. “Кул”- банди, тутқун, ўзлигини англолмаган шахс Навоийнинг ўрганиб, унинг сўз қудратини

англайди, унинг таъсирида қулликдан “озод” бўлади, яъни ўз сўзига сар(бош) бўлади. Бу сўзнинг кучидан “жисми”-“гулхан”, “қалами”-“чўғ”га айланган шоир “шоирликда армон”и “йўқ”лигидан фахрланади. У “Ашрақат”га “иқтидо(эргашиш)” қилишга тайёр. Хатто ўзининг дунёга келиши балки “хато”дир, аммо энди унинг “сўзи” “бехато” эканлигини билади.

Форобийнинг “Шеър санъати” рисоласида айтганидек, “...исботда илм, тортишувда иккиланиш, хитобада ишонтириш қанча аҳамиятли бўлса, шеърлятда ҳам хаёл ва тасаввур шунчалик зарур бўлади”[5,13]. Абдулла Шер ҳам хаёл ва тасаввур орқали Навоий образини ўзининг лирик кечинмаларида тасвир этади ва йиллар давомида эгаллаган илмий маълумотлари билан Навоий сиймосини сийратидек тасвирлайди, англайди.

Хулоса қилиб айтганда, китобхоннинг кўнгил кўзларида акс эттирилаётган Навоий тимсоли лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини ёрқин акс эттиради. Шоир-ижодкор шахс ўзига қалбан ва руҳан яқин бўлган Навоий образини яратар экан, бу буюк сиймонинг инсоний фазилатларини ва ижодкорнинг руҳий-маънавий оламини, ижод бахтини таъсирчан, теран ифодалайди. Шунингдек, унда тавсифийликдан кўра, бевосита шоир шахси ва фаолиятига оид тарихий лавҳалар асосида унинг суръатини эмас, балки айнан, сийратини яратиш етакчи ўринга чиққанини кўриш мумкин. Хусусан, Абдулла Шер ижоди Навоий образини яратишда поэтик ифоданинг янги усулларини татбиқ этганлиги билан аҳамиятлидир.

Адабиётлар:

1. Воҳидов Э. Шоиру шеърлу шуур. – Т., 1987.
2. Воҳидов Э. Сайланма. 2-жилт. - Т., 2001.
3. Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш. 2-китоб, - Т: Фан, 2011.
4. Шеров А. Навоий соғинчи. www.kh-davron.uz
5. Форобий. Шеър санъати. – Т., 1979.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).